



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтути ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Bозor mexanizmlarini takomillashtirishda iste‘molchilarning sodiqligidan foydalanish yo‘llari	155
Нилуфар Абдуазизовна Рахимова Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларининг аҳамияти ва турлари	158
Ирода Аминжоновна Умурзакова Рекламная деятельность в экономике: проблемы и перспективы	162
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Эркин Норматович Ходжаев, Зухур Давронович Ниёзов, Ойбек Эркинович Ходжаев Молиявий ресурсларни кўпайтиришда вексель муомаласидан фойдаланиш	166
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Республика миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари	171
Azamat Abdiraximovich Eshonqulov Tarkibida sho‘ba korxonasi bor korxonalarda konsolidatsiyalashgan MНXS asosida tuzish uslubiyotini takomillashtirish	177
Maуram Xamidovna Xalimova Aksiyadorlik jamiyatlarining auditorlik tekshiruvida yuzaga keladigan muammolari va istiqbollari	182
Заррух Умарович Мухаммадиев Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш: халқаро ва миллий жиҳатлар	188
Dilfuza Samiddinovna Tashnazarova Process costing tizimini takomillashtirish masalalari	193
Iroda Boykobilova Issues of bringing accounting and reporting of economic entities into line with national and international standards.	196
Тоҳир Толмас ўғли Сатторов Корхоналарда пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобининг хусусиятлари	201
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Дилобар Караматовна Гафурова Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	205
Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova O‘zbekistonning barqaror rivojlanishida bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati	210
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Таълим хизматлари бозорини таҳлил қилишда корреляция таҳлилини қўллаш амалиёти	214
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ҳаёт ҳақида мутафаккирлар ҳикматлари	217

<p>С.Бойжигитов</p> <p>Пути использования лояльности потребителей для совершенствования рыночных механизмов</p>	<p>S.Boyjigitov</p> <p>Ways to use consumer loyalty to improve market mechanisms</p>
<p>Аннотация. В данной статье рассматриваются методы эффективного использования потребительской лояльности в процессе совершенствования рыночных механизмов. Лояльность потребителей является важным фактором повышения стабильности рынка и конкурентоспособности предприятий. В статье рекомендуются различные стратегии внедрения программ лояльности, углубленного анализа потребностей клиентов, персонализации продуктов и услуг, укрепления имиджа бренда, развития качественного сервиса. Также была подчеркнута важность учета отзывов клиентов и объединения онлайн и офлайн-сервисов. Благодаря этим подходам предприятия могут наладить долгосрочное сотрудничество с потребителями и эффективно развивать рынок.</p> <p>Ключевые слова: рынок, маркетинг, потребительское поведение, потребительская лояльность, рыночные механизмы.</p>	<p>Abstract. This article examines ways to effectively use consumer loyalty in the process of improving market mechanisms. Consumer loyalty is an important factor in increasing market stability and enterprise competitiveness. The article recommends various strategies for implementing loyalty programs, in-depth analysis of customer needs, personalization of products and services, strengthening brand image, and developing quality service. It also emphasizes the importance of taking customer feedback into account and integrating online and offline services. It is argued that through these approaches, enterprises can establish long-term cooperation with consumers and effectively develop the market.</p> <p>Keywords: market, marketing, consumer behavior, consumer loyalty, market mechanisms.</p>

Нилуфар Абдуазизовна Рахимова – СамДАҚИ “Бизнесни бошқариш” кафедраси докторанти

ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий ташкилотларда ташкилий тузилмаларнинг ўрни, вазифалари ва таснифи таҳлил қилинган. Бошқарув тузилмаларни таҳлил қилишнинг ўзига хос ёндашуви таклиф қилинган. Чизиқли, функционал, матрицали, дивизионал, лойиҳавий ва тармоқли тузилмаларнинг афзаллиги ва камчилиги ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тизим, тузилма, ишлаб чиқариш тузилмалари, ташкилий тузилма, ижтимоий тузилма, марказлашган тузилмалар, марказлашмаган тузилмалар.

Кириш. Бугунги кунда тўғри танланган бошқарув тузилмалари корхона муваффақиятининг муҳим элементи ҳисобланади. Чунки, бошқарув тузилмалари корхонанинг схематик тарздаги таркиби, иш тақсимланиши, назорат доираси, ижрочиларнинг аниқ кимга бўйсунганини яққол кўрсатиб беради. Янги Ўзбекистонни стратегик ривожлантириш шароитида бошқарув тузилмаларини таккомиллаштириш муаммолари албатта долзарб ва устувор мақсадга айланган. Бошқарувни такомиллаштиришда бошқа омиллар ичида илм-фан алоҳида туради ва барча жараёнларни ўзгартириб туради. Шу билан бирга замонавий корхоналарда ташкилий тузилмаларни самарадорлигини ошириш ва янги талабларга мослаштириш аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 214-сон Қарори билан қурилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чоралари қўрилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимларининг Низомлари билан ушбу органларининг функциялари ва вазифалари белгиланган. Ушбу

Низомлар юқоридаги бошқарув органларининг ташкилий тузилмаларини тасдиқлашга асос бўлган. Мамлакатимиздаги 40 мингга яқини қурилиш саноати корхоналари ва ташкилотларининг самарали ташкилий тузилмаларини яратиш бугунги кун муаммоларидан ҳисобланади.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Менежмент назариясида ташкилий тузилмаларнинг тутган ўрни, функциялари ва вазифалари кўплаб олимларнинг ишланмаларида акс эттирилган, жумладан Виханский, О. С. [1], Мескон М. Х., Альберт М., Хедоури Ф. [2], Герчикова И.Н. [3], Котова Л. Р. [4], Парахина В.Н. [5] ташкилий тузилмалар таърифи ва моҳияти, бошқарув тизимида ташкилий муносабатларга боғлиқлиги ёритиб берилган.

Қурилиш ташкилотларида бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлардан Белобородов Р.С. [6], Лыткина Ю.А. [7], Мухаметзянов З.Р. [8], Randolph Thomas, M., John M. Keating ва Allen C. Bluedom J. [9], Казиева Ж.Н., Махмудов М.К. [10], Zhelikhovskiy D. O., Beliakov S. I. [11] каби олимларнинг изланишларини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга қурилиш корхоналари ва ташкилотлардаги бошқарув фаолиятининг хусусиятлари ва уларнинг тузилмаларга бўлган таъсири ушбу изланишларда ўз ечимини охиригача топмаганлиги тадқиқотимиз долзарблигини тасдиқлайди.

Тадқиқот методологияси. Илмий изланишларни олиб боришда фанда умумэътироф этилган тадқиқот усулларидан, хусусан индуктив, дедуктив ёндашув, назарий таҳлил, тизимли ёндашув каби усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ташкилотларнинг тузилмалари бошқарувда тизимли-функционал ёндашувининг асосий бўғинларидан ҳисобланади. Умумий тарзда ташкилотнинг бошқарув тузилмаси ундаги ишлаб чиқариш, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тартиби ва даражасини кўрсатишга қаратилади. Шунга асосан тузилмалар бир қанча вазифаларни бажариши кўзда тутилади:

- Ташкилотдаги расмий муносабатларнинг мазмунини ёритиб бериш. Айнан, тузилмада ташкилотнинг бўғинлари ва поғоналари орасидаги муносабатлар моҳиятини кўриш ва таҳлил қилиш мумкин;

- Ташкилотда бошқарув шаклини очиб бериш. Тузилманинг расмий кўриниши бошқарувнинг марказлаштириш даражаси, индивидуал ва жамоавий бошқарувларнинг ўрни, бошқарув кадрларининг ваколат доираси кўрсатилади;

- Тузилмада ҳар бир бўлинма ва ходимнинг ўзига хос ўрнини аниқлаштириш. Ташкилотда вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, масъулиятнинг юклатилиши тузилмада яққол намоён бўлади;

- Бошқарув фаолиятини ташкилотнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятига мослаштириш. Бозор иқтисодиётида ҳар қандай ташкилот хўжалик субъекти сифатида танилади, шунинг билан тузилмада хўжалик вазифаларини бажариш устунлиги сақланиб қолади;

- Бошқарув самарадорлигини ошириш. Ушбу вазифа тузилмани доимий такомиллаштириш, яъни ундаги бўғинлар сонини оптималлаштириш ва улар орасидаги алоқаларни аниқлаштириш орқали амалга оширилади.

Ташкилотларнинг хилма-хиллиги уларнинг тасниф қилиш тамойиллари ва тартибига ўзига хос талабларни қўяди. Кенг тарқалган тасниф белгилари бўйича бошқарув тузилмалари қуйидаги турларга бўлинади:

а) Тузилмалар бошқарув вазифаларининг тақсимланиши ва иерархик бўйсунуш тамойилига кўра: чизиқли, функционал, матрицали, дивизионал, лойиҳавий ва тармоқли тузилмалар ва уларнинг бирикмалари ажратилади. Ушбу тузилмаларнинг мазмуни ва бошқарувдаги аҳамияти менежментга оид адабиётларда кенг ёритилган ҳамда бошқарув амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Қурилиш ташкилотларида ташкилий тузилмаларни қўллаш доирасини белгилаш учун уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиш лозим.

Бошқарув тузилмаларининг чизиқли (марказлашган) шакли тўғридан-тўғри иерархик бўйсунуш тамойилига мос бўлиб, ташкилий ҳуқуқ ва мажбуриятлар юқоридан

пастга йўналтирилган бўлади, функциялар ажратилмайди ва бошқарув ихтисослашуви кузатилмайди. Чизиқли тузилмаларнинг қурилишда кенг тарқалиши уларнинг соддалиги, қарорларнинг тезкор ва аниқ бўлиши ҳамда назоратнинг осонлиги билан изоҳланиши мумкин. Уларнинг салбий томонларига автократик муносабатларнинг ривожланиши ва қарорлар сифатининг пастлигини киритиш мумкин [12].

Функционал тузилмалар тамойилларининг ўзига хослиги, улар бошқарувнинг юқори поғоналарида қўлланишига сабаб бўлмоқда. Ижобий томонларига ҳар бир бўлимнинг алоҳида бошқарилиши ва қарорларнинг юқори сифати, оптималлашувини киритсак, салбий томонларига эса бошқарувчиларнинг кўплиги, низо ва зиддиятларнинг кўпайиши ва коллаборациянинг нисбатан пастлигини айтиб ўтишимиз лозим.

Матрицали тузилмалар программага ўхшаш бўлиб, бир неча бошлиқлар томонидан бошқарилади. Маълумотларнинг очиқ алмашилиши туфайли инновацион товарлар яратилади, товарлар самарали ишлатилинада лекин камчиликларидан зиддиятнинг жуда кучлилигини ва бажарилаётган ишнинг хаосга айланишини киритиш мумкин.

Дивизионал кўп поғонали тузилма бўлиб, алоҳида дивизионлар ташкил қилинади, халқаро компаниялар томонидан кўп фойдаланилади. Бу тузилманинг афзаллиги унинг бозор ўзгаришларига мослашувчанлиги бўлса, бир ишнинг такрорланиши унинг салбий томонлари ҳисобланади.

Тармоқли тузилма очиқ алоқаларга асосланган тузилма бўлиб, тўрага ўхшаш схема шаклига эга ва диверсификацион корхоналарга мос ҳисобланади. Бозор тизимига мослашувчан ва бошқаришга кетадиган харажатларнинг камлигига қарамасдан, бошқарувнинг қийинлиги ва менежерларнинг юқори билим кўникмаси талаб этилади.

б) Тузилмаларнинг мазмуни ва ўрни бўйича таҳлил қиладиган бўлсак уларнинг барчасини учта гуруҳга бирлаштиришимиз мумкин: ишлаб чиқариш тузилмалари, ташкилий-маъмурий тузилмалар ва ижтимоий тузилмалар.

Ишлаб чиқариш тузилмалари ташкилотнинг иқтисодий субъект сифатида самарали фаолият кўрсатиш алоқаларини акс эттиради. Бунда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бир томондан, ишлаб чиқариш бўғинларининг ўзаро муносабатлари иккинчи томондан ўз таъсирини кўрсатади. Технологик вазифалар хом ашёни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулотга айлантириш жараёнини мақбуллаштиришга қаратилган бўлади ва шунинг учун горизонтал тузилма деб юритилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва бир меъёрлилигини таъминлашга қаратилган алоқалар вертикал тузилма деб аталади, унинг вазифаси барча бўлинмаларнинг ишини асосий технологик жараёнга боғлашдир.

Ташкилий-маъмурий тузилмаларга бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган ходимларнинг самарали меҳнатини асослайдиган ҳужжатлар, муносабатлар ва алоқалар киритилади. Бу турдаги тузилмалар бўйсунтириш тамойилларини ҳамда лавозим ва бошқарув поғоналари фаолиятини тартибга солади.

Ижтимоий тузилмаларнинг асл моҳияти инсон омилини ҳисобга олиш, ҳамда ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Ушбу атаманинг биринчи жиҳати жамиятдаги ижтимоий жараёнларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳати ташкилотларда инсон ресурслари бошқаришда ижтимоий менежмент усулларини қўллашга асосланади.

Юқоридаги уч хил тузилмаларнинг ўзига хослигини аниқлаш учун бир қанча муҳим белгиларни танлаш лозим. Ушбу белгиларга қуйидагилар киритилади: тузилманинг қандай тизим таркибида бўлиши, тузилманинг асосий мақсади, баҳолашнинг бош мезони, бошқарув усуллари, асосий ресурслар ва ҳоказо. Қуйидаги жадвалда асосий белгилар бўйича таққослаш орқали тузилмаларнинг фарқлари кўрсатиб берилган (1-жадвал).

Тузилмаларнинг ўзига хослигини аниқлаштирувчи белгиларнинг моҳияти таҳлилнинг тўлаллиги, ишончилиги ва асосланганлигини таъминлаши лозим. Тузилманинг ўрнини ифодаловчи белги ташкилотнинг қайси тизимига тааллуқли бўлишига асосланади. Масалан, ижтимоий тузилма ташкилотдаги ижтимоий-маданий муҳитни ташкил қилувчи инсон муносабатлари тизимининг асосий бўғини ҳисобланади.

Ташкилотдаги тузилмаларни таққослаш белгилари ва улардан фойдаланиш

Ўзига хос белгилар	Тузилманинг тури		
	Ишлаб чиқариш	Ташкилий-маъмурий	Ижтимоий
Бош тизим	Хўжалик-технологик тизим	Бошқарув тизими	Инсон муносабатлари тизими
Мақсад	Қувватдан фойдаланишни максималлаштириш	Бошқарув самарадорлигини ошириш	Ижтимоий ривожланишни таъминлаш
Бош мезон	Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва ритмлилиги	Бошқарув функцияларининг бажарилиши	Ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги
Бошқарув усуллари	Ташкилий-техник	Ташкилий-маъмурий, иқтисодий	Ижтимоий, психологик
Асосий ресурслар	Моддий ва техникавий	Бошқарув ресурслари	Инсон ресурслари

Тузилманинг мақсади, номли белгиси унинг ташкилот томонидан қўйилган бош вазифаларига бўлган эътиборни кўрсатади. Мақсаднинг ўзига хослиги мазкур тузилманинг йўналтирилганлиги ва таъсир доирасини белгилаб беради. Учинчи тасниф белгиси, яъни баҳолашнинг бош мезони тузилмалар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига асосланади, яъни тузилманинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Бошқарув усуллари ва асосий ресурслар белгилари ёрдамида тузилмаларнинг бошқарув жараёни сифатида қўлланиладиган воситалари аниқланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, ташкилотнинг бошқарув тизимида бир неча ўзига хос тузилмалар фаолият кўрсатади. Анъанавий ёндашувда эътиборни фақат ташкилий тузилмаларга қаратиш бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Мақолада келтирилган тузилмаларни таққослаш ёндашуви уларни объектив баҳолашга имкон беради. Қурилиш ташкилотларида лойиҳавий ва тармоқли тузилмалардан кенг фойдаланиш, минтақавий қурилиш мажмуасида уларнинг бирикмасидан фойдаланишни таклиф қиламиз. Бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда келтирилган илмий таклифларни қўллаш, бошқарув таҳлилини ривожлантиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Виханский, О. С. Менеджмент: учебник / О. С. Виханский, А. И. Наумов. – 6-е изд., перераб. и доп. – Москва: Магистр Инфра-М, 2019. – 656 с.
2. Мескон М. Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Издательство Вильямс, 2016 г.
3. Герчикова И.Н. Менеджмент. 4-е изд., перераб. и доп. Учебник. М.: ЮНИТИ ДАНА, 2017 г.
4. Теория организации: учебник / Л. Р. Котова, С. П. Иванова, Д. К. Балаханова [и др.]; под ред. С. П. Ивановой, Л. Р. Котовой. — Москва: КноРус, 2020.
5. Теория организации: учебник / В.Н. Парахина, Т.М. Федоренко, Е.Ю. Шацкая. – М.: Кнорус, 2014. – 356 с
6. Белобородов Р.С. Формирование эффективной структуры управления строительной организацией. Автореферат к.э.н. Нижний Новгород – 2011г.
7. Лыткина Ю.А. Формирование и развитие организационных структур управления в процессе реструктуризации строительных предприятий. Автореферат к.э.н. Пенза – 2007г.
8. Мухаметзянов З.Р. Построение адаптивных структур управления строительными предприятиями. Диссертация к.т.н. Уфа – 2002 г.
9. Randolph Thomas, M, John M. Keating and Allen C. Bluedom J. Authority

structures for construction project management. Constr. Eng. Manage. 1983.109:406-422с.

10. Казиева Ж.Н., Махмудов М.К. Совершенствование организационной структуры строительного предприятия на основе сетевых технологий. Региональные проблемы преобразования экономики, №8, 2014г.

11. Zhelikhovskiy D. O., Beliakov S. I. Methodological approaches to the formation of flexible structures for managing construction groups. Real estate: economics, management. 2023; 1:39-43p.

12. Raximova N. Qurilish sohasida funksional boshqaruv tuzilmalarining xususiyatlari. Iqtisodiyot taraqqiyoti va samarali boshqaruv: xalqaro tajriba, tendensiyalar va dolzarb masalalar. 2023

<p>Н.Рахимова</p> <p>Значение и виды структур управления в современных организациях</p> <p>Аннотация. В данной статье проанализированы место, задачи и классификация организационных структур в современной организации. Авторами предложен характерный подход к анализу структур управления. Раскрыты преимущества и недостатки линейной, функциональной, матричной, дивизиональной, проектной и сетевой структур.</p> <p>Ключевые слова: система, структура, производственные структуры, организационная структура, социальная структура, централизованные структуры, децентрализованные структуры.</p>	<p>N.Rakhimova</p> <p>Meaning and types of management structures in modern organizations</p> <p>Abstract. This article analyzes the place, tasks and classification of organizational structures in a modern organization. The authors propose a characteristic approach to the analysis of management structures. The advantages and disadvantages of linear, functional, matrix, divisional, project and network structures are revealed.</p> <p>Keywords: system, structure, production structures, organizational structure, social structure, centralized structures, decentralized structures.</p>
---	--

Ирода Аминжоновна Умурзакова – СамИЭС, ассистент кафедры «Маркетинг»

РЕКЛАМНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ЭКОНОМИКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Аннотация. В данной статье рассматривается роль рекламной деятельности в экономике, ее значение для стимулирования спроса и продвижения товаров и услуг на рынке. А также, в ней рассмотрены перспективы и пути преодоления существующих проблем.

Ключевые слова: рекламная деятельность, экономика, конкуренция, спрос, имидж, цифровизация, рекламные технологии, этика рекламы, манипуляции, таргетинг, социальные сети, поведение потребителей, будущее рекламы.

Введение. Рекламная деятельность — это неотъемлемая часть современного маркетинга и экономики. Она играет важнейшую роль в формировании спроса на товары и услуги, влияя на поведение потребителей, развитие бизнеса и даже на экономику страны в целом. В этой статье мы рассмотрим перспективы и проблемы рекламной деятельности в современных условиях.

Рекламная деятельность включает в себя разработку, производство и распространение рекламных материалов с целью информирования, убеждения и мотивирования целевой аудитории. В словах известного американского маркетолога Филипа Котлера, “Реклама — это не просто средство для того, чтобы рассказать людям о вашем продукте. Это способ вовлечь их, заставить их действовать.”¹ Таким образом, реклама служит не только инструментом информирования, но и способом создания эмоциональной связи между брендом и потребителем.

Методология исследования. При подготовке данной статьи для исследования рекламной деятельности применяются системный анализ, анализ литературы, факторный и

¹ Филипп Котлер «Маркетинг 4.0: Разворот от традиционного к цифровому»,. Издательство Эксмо ; Издательский бренд БОМБОРА; Серия Атланты маркетинга; Год издания 2022 ; ISBN 978-5-04-096861-9.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.